

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**272 2014/2015 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси-
нинг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасала-
рига ўқишга қабул қилиш тўғрисида**

Умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни, республика минтақалари иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликлар бўйича ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумотли кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида аниқ касблар бўйича касб-хунар коллежлари битирувчиларига амалдаги эҳтиёжни танқидий таҳлил қилиш асосида тайёрланган, 2014/2015 ўқув йилидан бошлаб республика ҳудудларида 1-иловага* мувофиқ 30 та касб-хунар коллежини қайта ихтисослаштиришга доир таклифлари қабул қилинсин.

2. Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумотли мутахассисларга бўлган реал эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда 2014/2015 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини республиканинг касб-хунар коллежлари ва академик лицейларига ўқишга қабул қилишнинг умумий параметрлари 2 ва 2.1 — 2.13-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (А.И. Икрамов) республиканинг касб-хунар коллежлари ва академик лицейларига қабул қилишнинг белгиланган параметрларидан келиб чиққан ҳолда бир ҳафта муддатда 2014/2015 ўқув йилида вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича ҳар бир касб-хунар коллежи ва академик лицейга умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини ўқишга қабул қилиш параметрларини тасдиқласин.

Ўқувчилар ва улар ота-оналарининг танланган ва иқтисодиёт тармоқларида эҳтиёж мавжуд бўлган мутахассисликлар бўйича ўқишга талабини, таълим муассасаларида зарур моддий-техника база мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчилари касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлашга алоҳида эътибор берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига, зарурат бўлганда, умумтаълим мактабларининг

* 1-2 — 2.13-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

9-синфлари битирувчилари ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиш билан тўлиқ камраб олинишини таъминлаш мақсадида касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга ўқишга қабул қилиш кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ўз тасарруфида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2014/2015 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга ўқишга қабул қилишнинг белгиланган умумий параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминласин ҳамда шу йил 10 августгача бўлган муддатда ўқишга қабул қилиш натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига якуний ахборотни тақдим этсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбарлари зиммасига умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини келгусида касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ камраб олишни таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

Умумтаълим мактабларининг 9-синфларини битирувчи қизлар касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан камраб олинишига алоҳида эътибор қаратилсин.

9-синфлар битирувчиларини ўқитиш билан камраб олишнинг якуний натижалари тўғрисида жорий йилнинг 15 августигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2014/2015 ўқув йили учун ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг тасдиқланган параметрларини ҳисобга олган ҳолда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар таъминоти учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан белгиланган тартибда зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда қайта ихтисослаштирилаётган, шунингдек янгидан фойдаланишга топширилаётган ва реконструкция қилинаётган касб-хунар коллежлари ва филиалларда 2013/2014 ўқув йили бошлангунга қадар сифатли ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, уларни юқори малакали ўқитувчи кадрлар билан тўлдириш, кадрлар тайёрлаш йўналишларига мувофиқ ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув ва методик адабиётлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекис-

23 (627)-сон

— 65 —

272-модда

тон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 4 июнь,
142-сон